

Биларнинг
ИТТИМОЙ-СИЁСІЙ
РАБОТАСИ

ТУРКИСТОН

1995 йил 18 октябрь. Чоршанба. № 40 (14292)

ترکستان

TURKISTAN

Сотувда эркин нархда

ХАМКОРЛИК РОБИТАЛАРИ

«КОНСУМЕР ЭКСПО-95»

17 октябрь куни Тошкентдаги «Алпониш» спорт саройида «Консумер Экспо-95» деб аталган истеъмол моллари халқаро кургасмаси очилди. Кургасмага 20 мамлакатдаги 50 дан ортиқ фирманинг турли-туман махсулотлари қўйилган. Кургасмани Америка Қўшма Штатларининг «ТНТ Провакшнс ИНК» компанияси билан Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ташкил этган.

Бу ерда Австриянинг «Лего», «Зипло», АКШнинг «Р. Жей Рейндольф Табакко» сингари машҳур компаниялари, Германиянинг пардоз буюмлари ишлаб чиқарувчи «Велла» ва «Лонда Кор», жаҳон бозорига юксак сифатли ашпаратура етказиб берадиган Япониянинг «Акаи» фирмалари ўз махсулотларини намойиш қилмоқда. Кургасма ўзбекистонлик талбиркорларга маъқул фирмалар билан амалий алоқалар ўрнатиш имконини беради.

Р. ШУКУРОВ,
ЎЗА мухбири.

ШАҲАРНИНГ БАЙРАМИ

Қадимий Самарқанднинг 2525 йиллик тўғи муносабати билан 21-28 октябрда «Самарқанд шаҳри кунлари» утказилади. Шодоналар дастурлари, жумладан, Алишер Навоий му-

зейи, Рудакий майдони «Фолксваген» салони, «Турон» банки ҳамда теннис кортининг тантанали очилиши, байрамона безатилган шаҳар кўчаларида савдо ярмаркаларини ташкил этиш кузда тутилган. Байрамнинг асосий тантаналари регистон майдонида ўтади.

БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

17 октябрь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясида Ўзбекистон Республикаси билан Нидерландия Қироллиги ўртасида ҳаво алоқаларини йўлга қўйиш ва ҳаво транспорти соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур битим мамлакатларимизнинг ҳаво алоқаси соҳасидаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришни кузда тутди.

БИЗНЕС ФОНДИНИНГ ВИЛОЯТ БЎЛИМИ

Термизда республика бизнес фондининг вилоят бўлими ташкил этилди. У кичик ва хусусий талбиркорликни моддий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди, муайян лойиҳалар асосида уларни республика-камизга ва хориждаги замонавий технология жиҳозлари билан таъминлашда ёрдам беради. Шу мақсадда ҳозирнинг ўзида 5 миллион сўмлик ердан курсатилди.

МАРРА ЯҚИН! ЯНА БИР ЗЎР БЕРСАК...



ҲАР КҮН ҒАНИМАТ

ЎЗБЕКИСТОН ТОЛАСИ — ХОРИЖГА

Хонқа тумани пахта тозалаш заводи янги мавсум пахтасида салкам икки минг тонна юқори сифатли толаннинг истеъмолчиларга жўнатилади. Тола юклаган вагонларга Америка, Европа, Осиё мамлакатларининг ўндан кўпроқ мандиллари ёзилган.

Республикада «оқ олтин» хирмони кундан-кунга юксалиб бормоқда. Мухарриратимизга ҳам кунора галаба хабарлари келиб турибди.

Табиатнинг саҳовати бу йил бободоҳқон саҳоватидан ҳам ўтиб тушди. Ҳар кунни ғанимат санаётган меҳнаткаш, заҳматкашларнинг бугун қўли-қўлига тегайди. Ғолиблар сафи кенгаймоқда. Кечагина шоҳ-супадаги Андижон вилоятига бугун Хоразм вилояти ҳам шерик бўлди. Бошқа вилоятларда ҳам сурат қиз-гин.

СУРАТЛАРДА: Ангор туманидаги Таллимарон жомоа ҳўжага пахтакорлари йиллик режани орғи билан бахардилар. Эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлди. Энг қувонарлиси шундаки, хирмоннинг ярмидан кўпи «зангори кема»ларда йиғиб-териб олинди. Ёш меҳнаткорлар Бахтиёр Норқобилов ва Раҳим Мамиркуловлар уйган хирмон эса 120 тоннадан ошиб кетди.

И. ХЎЖАЕВ (ЎЗА) суратлари.

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1995 ЙИЛ 17 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(ФОИЗ ҲИСОБИДА)

биринчи устун — вилоятлар, иккинчи устун — бир кунда терилган пахта, учинчи устун — мавсум бошидан буён

Андижон	0,36	107,37
Хоразм	0,49	101,18
Наманган	0,90	98,10
Фарғона	0,86	95,53
Навоий	1,10	93,13
Бухоро	0,78	91,90
Тошкент	1,16	85,23
Қашқадарё	1,24	85,10
Қорақалпоғистон		
Республикаси	0,66	77,91
Сурхондарё	1,00	77,67
Самарқанд	1,13	76,60
Сирдарё	1,28	73,32
Жиззах	1,10	71,88
Республика бўйича	0,93	86,95
1994 йилда	1,26	80,86

ЎЗАЛЛИК ВА ЎЙҒУНЛИК ИФОДАСИ

Ўзбекистон халқаро маданият-маърифий алоқалар миллий уюшмасида Иккунча деб аталган қадимий япон санъатининг ўтмиши ва ҳозирги раванқига бағишланган учрашув бўлди. Учрашувда республикамиз жамоат ташкилотларининг фаоллари, пойтахт олий уқув юртилари талабалари, Ўзбекистонда иш-лаётган хорижий дипломатлар иштирок этиди. Санъатнинг бу турига мансуб энг машҳур мактаблардан бири — Морибана мактаби вакиллари Япониядан меҳмон бўлиб келишган эди. Бу йил Морибанага асос солинганга юз йил туғди.

Иккунчанинг янги йўналиши — Морибана вакили Куниакэ Сэки йиғилганларга бу йўналишнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида гапириб берди. XIX аср охирида юзга келган бу услуби машҳур устаси Унсин Охара асос солган эди. Морибана анъанавий йўналишларга ҳос бўлган барча яхши жиҳатларни ўзида муҳассаслаштирган. Санъатнинг бу турига фақат гулларгина эмас, шохчалар, япроқлар, гиёҳлар, ҳатто мева ва сабзавот ҳам «тилга кирди». Бугунги кунда турли мамлакатларда машҳур мактабнинг 57 талаббиси бор. Япон анъанавий санъатининг бу тури муҳлислари кўпчилиги бежиз эмас. У ута замонавийлиги ҳамда урганиш ва идрок қилиш учун унғайлиги билан ҳам фарқланади. Морибана хунарини урганган ҳар қандай киши ўз композицияларида табиатнинг гузаллиги, улғурлиги ва ўйғунлигини ўзи идрок этганича ифода қила олиши мумкин.

Учрашувда япониялик меҳмонлар намойиш этган Морибана сабоги бу фикрнинг яққол далили эди. Унинг иштирокчилари йил фасласининг тўққиз композициядан иборат ўзига ҳос оҳанглари тўғилишига гувоҳ бўлди.

Мазкур учрашув — уюшманнинг Япония жамоат бир-ташмалари билан йўлга қўйган яхши алоқалари мевасидир. Бу алоқалар йилдан йилга кўра яна раванқ-барангилар ҳамда янада самарадор бўлиб бормоқда.

А. ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири.

Она тилим — жонқ

қилим

МАКТАБГА ЯРАШГАН БАЙРАМ

Ўз тилини эъзозлаган халқ улғур-дир. Бундай халқ бошқа халқлар тилларини ҳам қадрлайди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилганининг 6 йиллиги муносабати билан Тошкент шаҳри Мирзо Улўбек туманидаги 121-ўрта мактабда утказилган Тил байрамида бу ҳақда кўп ва ҳўп гапирилди.

Тадбирнинг қизиқарли ва мазмунли ўтишида унинг ташкилотчилари Динобар Кўчқорова, Карима Тожиёва, Робия Жуманова каби мураббийларнинг хизматлари катта бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Уқувчилар томонидан икки этилган ҳўи ва қўшқилар саҳна кўринишлари ва ўқилган шеърлар кечанинг асосий иштирокчилари бўлиши ёшларнинг мурак қалбига она тилимизга нисбатан меҳру муҳаббат тўғрисида янада оловлантирди, десак янглишмиш.

Тил байрамида халқимизнинг сеvimли шоири Нормурод Нарзуллаев ва таниқли фантаст ёзувчи Хўжақабар Шайхонлар иштирок этиди, қад-диётларимизни улғурловчи ҳар қандай байрам мактабларга ҳам жуда-жуда ярашганини таъкидлаб, ўзларининг дил сузларини айтишди.

Ўз мухбиримиз.

Обуна-96

ПОЙТАХТ ЁШЛАРИ: «ТУРКИСТОН»НИ КЎПЛАБ-ҚУВВАТЛАЙМИЗ!»

Кўхна Шарқнинг дарбозаси, қадимий ва нажирон Тошкентимиз мустақил мамлакатимизнинг ўзал пойтахтигина эмас, бутун Турон заминининг катта маданият ҳамда маърифат марказларидан бири ҳисобланади. Шаҳримизда асосан ёшлар меҳнат қилаётган йирик-йирик корхоналар, унлаб олий уқув юртилари, таълим тизимига мансуб юзлаб даргоҳлар мавжуд.

Шаҳар ёшлари мамлакатимизда амалда оширилаётган иқтисодий ислохотларда, янгилашларда фаол қатнашиш билан бирга истислоқли мафқурасини улаштириш, асрий қадриятларимизнинг мағзини чақиб, буюк давлат барпо этиш жараёнидаги ўз урғини англаб олиш борасида анча ишлар қилмоқда. Бу йўналишда бизга доимий ҳамроҳимиз, Ёшлар Иттифоқи турмушининг сингалган кўзуси — «Туркистон» газетаси сезиларли ердан бермоқда. Ўзбекистон ёшлари амалда оширилаётган улғур-вор ишлар, уларнинг орзу-умидларини, кечинмалари, кечаятган жараёнлар ҳақидаги фикрлари, муаммоларини ифодалаган мақолалар ҳар Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи аъзоси, ҳар бир йиғ-қиз қалбига акс садо бераётган. Албатта, биз ҳаммиз «Туркистон»нинг доимий мушта-

рийси бўлиб қолаверамиз. Бу талғи обуна мавсумида ҳам уш ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз. Мазкур мавсумда газетатага хайрихоҳ бўлиш, обунани юқори даражада ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Беруний тумани қўмитасининг қўмалли ташаббусини ўқидик. Бу ташаббус ҳар жиҳатдан бизга маъқул бўлди.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент шаҳар қўмитаси «Туркистон»га, барча ёшлар на-шрларига обунани уюштириш бўйича талбирлар ишлаб чиққан. Бу ишни Тошкент туман-мачилик комбинати, Чкалов но-мидлаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, Тошкент трактор заводи, «Малика» ҳиссалдор-лик жағияти ва бошқа корхона-ларда, Мирзо Улўбек номидаги Тошкент Давлат дорилфуну-нуни, Иқтисодий ва Аграр, Жаҳон Тиллари дорилфунуна-ри, олийоҳлар, коллежлар, ху-нар мактабларида авж олдир-моқдамиз.

Биз ҳам мустақил мамла-катимизнинг барча ёшларини ўз-ларининг сеvimли газетасини қўллаб-қувватлашга чакирамиз!

Раҳмон АБДУҚОДҲУРОВ,
Ўзбекистон Ёшлар
Иттифоқи Тошкент шаҳар
қўмитаси биринчи
котиби.

Соҳибқирон таваллудининг 660 йиллигига

ЁДГОРЛИК ҚОШИДАГИ ЎЙЛАР

ФАХРИЯ

1992 йилнинг май ойи. Уша вақт-да пойтахт ҳокимлиги ҳузуридаги жой номлари билан шўғулланувчи комиссияда масъул котиб бўлиб иш-лардим. Комиссиямиз тавсияси ва шаҳар ҳокими Қарори билан пой-тахтдаги энг марказий кўча — «Энгелс кўчаси» номи ўзгартирилиб, «Амир Темур» кўчаси деб юритилди. Шу кунги «аппарат йиғини»дан чиқиб, та-ниқли олим, филология фанлари до-ктори, профессор Малик Муродов би-лан менинг хонамда бир пиеъла чой устида суҳбатлашиб қолдик. Суҳбат асносида: «Амир Темур кўчаси» бош-ланадиган «Марказий хиебон»ни ва у ердаги метро бекатини ҳам улўғ соҳибқирон номи билан юритиб, хие-бонда Амир Темурга ёдгорлик ўрна-тилса, айни мақсадга мувофиқ бўлар-ди-да!» — деган мулоҳаза тўғилиб қолди-ю, ишни галга солмасдан, ик-каламиз тез орада «Буюкларга бую-кона ахтиром зарур» номли мақола ёзди ва унда ўз тақлифларимизни асосли баён этиб, уни аввал «Тош-кент оқшоми», кўп ўтмай «Халқ су-зи» газеталарида эълон қилдик.

Қарангки орадан бир йилдан ортиқ-роқ вақт ўтиб, «Марказий хиебон» ва метронинг бекати Амир Темур но-мини олди ҳамда ҳозирги ҳашамат-ли хайкал тикланди. Яқинда хиебон-да бўлиб, соҳибқирон ёдгорлигига узоқ термулиб қолиб, шундай фа-рахли кўнларга етганимга шўкрона-лар айтдим. Ҳаяжоним эса мисралар-га кўчиб, шеърга айланди. Оқ қоғоз саҳнига унинг сарлавҳасини катта ҳа-рфлар билан ёзиб қўйдим:

Олти юз олтимиш йил! Балки бир ондир

Тарихнинг беаёв нафаси учун.

Аммо зўр ифтихор, беқайс шондир

Турон узра собит ўзбекка бу кун!

Ғиротдек тулпорин миниб мардона

Эду юртга тилаб осойиш, сурур

Пойтахт марказига ўшал шохона —

Шукҳў ила келди ҳазрати Темур!

Ортига айланди кўхна тарих ҳам

Тўқилган тўхтамлар эълони бир-бир.

Бу — менинг аجدодим, кўргин эй олам,

Босқинчи эмас у, Темур — жаҳонгир!

Тулпорига қара, қалқонини кўр,

Исфохоний шамшир ёнади ял-ял.

Кўриб қўй, у қандай мағрур, қандай зўр,

Канчалар буюқдир охиру азал!

Гоҳо «Ланг» дедилар, гоҳида хунхор,

Қароқчи, вайронкор дея сўқидлар.

Бу гаплар бўҳтондир, иғводир, бекор,

Сўққанлар ушбу кун тизза чўқидлар!

Эзилган ҳақиқат қаддин тиклади,

Виждонлар кўз олди бўқлар монанд.

Оловда ёлмади, сўзда чўқмади —

Ўзбекнинг гурури тоғлардек баланд!

Олтиюз олтимиш йил! Балки бир ондир

Тарихнинг шамолдек қадами учун.

Аммо зўр ифтихор, бетакрор шондир

Турон узра собит ўзбекка бу кун!

Дилмурод САЙИД,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент Давлат дорилфунуни бошланғич ташкилоти котиби Одижон Маматқаримов ҳақида эшит-ганим кўп эди. Аммо муҳ-бир халқнинг ўз феъл а-вори бор. Суҳбатдоши би-лан учрашувча унинг таши-сирларини билиб олади. Мен учун тарки одат суҳбатдо-шим ҳақидаги миш-мишлар-ни тўпладим. У ҳақда собиқ курсдошлари: «билимга чан-қоқ талаба», домларари «би-знинг келажак», душманлари: «собиқ комсомол секретари», талабалари: «энг зўр домла» дейишди.

Одижон ака билан суҳ-батлашгандан сўнгги икро-рим: «Яхши ва дилқаш суҳ-батдош».

— Одил ака, тан олиш керак, бугун ҳамма соҳа-лар каби собиқ комсомол органларида ҳам ишлаш анчайин қийин. Олдинги-дек қолибга солинган кўр-сатмалар, қонун-қондалар йўқ. Бугун тун бўйи иш-лаб чиққан режангиз эр-тасига тўғри келмаслиги мумкин. Шундан да олдин-ги тузумни қўйсагўчилар топилади. Сиз ҳам ўша да-врда шу ташкилотда иш-лаган экансиз...

— Мен сизни тушундим. Тўғри ҳозир ҳеч кимга осон эмас. Чунки бугунги куннинг талаби кечаятдан кўпроқ... Ҳозир чамалаб чиқсам ком-сомолдан «нон еганимга» 10 йилдан ошибди. Тан олишим керак, нимага эришган бул-сам шу ёшлар ташкилоти би-лан боғлиқ. Физика-матема-тика факультетини битирдим. Номзодлик ишени ёқладим. Тарихдан ҳадеб икир-чикир-

ларни ахтаравериш ҳам яра-майди. Комсомол бир пайтлар ўз номини оқлаган ташкилот эди. Ўз даврида у пайтда ёш-лар ташкилотда ишлашни ор-зулаганлар кўп эди. Тўғриси бугун бу ташкилотларда жон-қуярлар қолди. Ҳамма соҳа-лардагидек муаммолар кўп бизда ҳам. Энг асосийси йш-ларимизда келажакка ишонч бор.

— Сиз ҳам бу ташкилот-да ишлашни орзу қилганми-сиз?

— Албатта. 1984 йил ҳар-

Ёшлар Иттифоқида нима ган?

лар академияси билан бирга-ликда физика-математика соҳа-ларидаги сара ишлар учун кон-курс эълон қилганди 17 сов-риндордан 5 таси иттифоқимиз аъзоларидир. Шу совриндор-лар орасида Одил Мамат-қаримовнинг ўзи ҳам бор.

— Бугунги ёшлар ҳақида

хар ким ҳар хил фикр юри-таяпти...

— Ҳамма замонда ҳам шун-дай бўлган... Айримлар пул то-пиш йўлига кириб кетгани ҳам рост. Аммо, бунинг учун улар эмас, биз айбормиз. Уларни

Хамкорликда гап кўп. Бу масалада Марказкум анча иш-ларни қилапти. Аммо...

— Яқинда бир мактабда бўлганимда 10-синф ўқу-чисидан қайси ташкилот-га аъзолигини сўрадим. У ажабланди... Ҳозир қараб турсам сизлардан нажот сўраб келувчилар анчаги-на экан. Ёшлар ташкило-тининг қандай мавқега эга бўлиши раҳбарга боғлиқ-микан?

— Мақтаниш эмас-ку, таш-килотнинг қандай яшаш қў-пинча раҳбарга боғлиқ. Баъ-зан айрим жойлардаги раҳ-

МАҚСАДИМИЗ УЛУҒ

бий хизматдан қайтиб ТошДДнинг физика-математи-ка факультетига ўқишга кир-дим. Уша йиллари факультет комсомол котиби қилиб қилиб қилиб (1994 йил декабр-дан эса дорилфунун бошланғич ташкилоти котиби бўлиб ишлайман). Шу-шу йш-лар ташкилоти билан бирга-ман.

— Одил ака, мана ТошДД яқинда ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлади. Тўрт минг икки юзта талабани ўзида бирлаштирган ташки-лот юбилейга қандай тайёр-гарлик билан келди?

— Бизнинг олдимиздаги ва-зифа ҳам, талаб ҳам — билим. Талабаларимиз ўзларининг аъло билимларини соғға қи-лишди. Шу юбилейга бағиш-лаб 15 дан ортиқ илмий кон-ференциялар, анжуманлар ут-каздик. Республика фан ва тех-ника маркази, Марказий фан-

тўғри йўлга солиш биз катта-ларнинг иши эмасми? Ҳозирги кунда Тошкент шаҳрида физи-ка-математика ўқитувчиларига талаб катта. Раҳбарият билан келишиб биз талабаларимиз-ни мактабларга, лицейларга чиқиб, ўқишдан буш пайтлари-да дарс ўтиш имкониятлари-ни яратдик. Бундан ташқари биз тайёрлаётган кадрларга фирмалар, қўшма корхоналар жуда интизор. Талабаларимиз таржимон-оператор бўлиб иш-лашапти. Шу ишларимизни ку-риб қўчада, бозорда пул топа-ман деб сарсон-саргардон ор-ган ёшлар ҳам ўз хулосалари-ни чиқараяптилар.

— Таътил бошлангач маълумки, талабалар учун яна бекорчилик бошланади. Олдинлари комсомол отряд-лари бўларди...

— Дилмадагини айтдингиз, синглим. Бугун яна уша анъа-наларни тиклашимиз даркор.

барларимизнинг сусткашли-ги туфайли қўпинча ташки-лотимиз номига доғ тушади. Ўз ишлари қўлиб бошқа иш-лар билан шўғулланишади.

Бу йил 650 та талаба I ку-рса қабул қилинди. Яқинда ана шу талабаларга анкета ва-рақалари тарқатдик. Сувро-лар шуни кўрсатдики, қўллаб-талабамиз санъатга, спортга жон диллари билан қизиқи-ш экан. Хабарингиз бўлса керак, «Шоввоз»-лар театр-студиямиз иш олиб борапти. (Бадиий раҳбари Олимжон Худойназаров). — Ҳозир театр-римизнинг 20 та ҳақиқий аъзоси бор. Театр — студия талабаларимиз учун хизмат қилади.

— Тилакларингиз?

— Тилагим — мустақил Ўз-бекистонимизнинг ҳар бир ёш юртимизга фидойи фар-занд бўлсин. Фидойиликда эса ҳикмат кўп.

Суҳбатдош: «Туркистон»

мухбири,
Лайло КАРИМОВА.

ТУРКИСТОННИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ!

ОБУНА НАРХИ

Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда:

- Яқка тартибдаги обуначилар учун:
- Нашр индекси — 64607
- 6 ойга — 424 сўм 80 тийин
- 12 ойга — 849 сўм 60 тийин
- Ташкилотлар учун:
- Нашр индекси — 64633
- 6 ойга — 528 сўм 90 тийин
- 12 ойга — 1057 сўм 80 тийин

ТОШКЕНТ ШАХРИДА

- Яқка тартибдаги обуначилар учун:
- 6 ойга — 380 сўм
- 12 ойга — 720 сўм
- Яқка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

- 6 ойга — 324 сўм
- 12 ойга — 648 сўм
- Ташкилотлар учун:
- 6 ойга — 530 сўм
- 12 ойга — 1058 сўм
- Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
- 6 ойга — 474 сўм
- 12 ойга — 948 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қimmatроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида қўрсатилади.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

Мирзобек Холмедов 1961 йилда Тошкентнинг Қўйлик даҳасида туғилган. 1984 йилда Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтининг драма ва кино актёрлиги факультетини тугатган. Ойлали. Уч ўғилнинг отаси. Каратэдан хабардор. Чекмайди. Аммо кўп ичди... чойни. Севган таоми — паловхонтура.

Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллиги арафасида Мирза Холмедовга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. Яқинда жамоатчи муҳбиримиз санъаткор билан учрашиб, кўп минг сонли муштарийларимиз номидан уни кутлаб, мулоқотда бўлди.

— Мирза ака, қизиқчилик сизга ота-боболардан меросми ёки...

— Йўқ. Бу пешонага ёзилган касби-корим. Ўзим оддий хизматчи оиласида туғилиб, катта бўлганман. Фикримча, бадастир оиладан ҳақиқий санъаткор кам чиқди. Менга ҳам парвардигор қизиқчиликни раво қурган экан, шу касб

билан халқ хизматидаман.

Санъаткорнинг ҳикоя қилишича, у институтни битириб, «Ёш гвардия» (ҳозирги Абдор Хидоятлов) номидаги драма театрида актёр бўлиб иш бошлади... Аммо... Бир кун «Хур қизлар» спектаклида соқчи ролини ижро этаятган актёрни 8 томошабинлар таниб қолди. «Вой, ана Мирза, у немиш бўлиб чиқибди», дея шовқин солишди. Спектакль тугагач, томошабинларнинг тулоли учун Мирзага хайфсан беришди. Уша вақтдаёқ уни кўпчилик ойнаи ҳақиқатдаги «Шунчаки ҳазини» курсативи орқали қизиқчи сифатида таниб қолган эди-да! Хуллас, бош режиссёр Баҳодир Йўлдошев

Мирзобек ХОЛМЕДОВ:

«ОЛДИНДА БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙМАН»

ра бошладигиз.

— Шундан хурсандманки, қизиқчилар орасида биринчи бўлиб жиддий роллар уйнашга муваффақ бўлдим. Лекин «Қўларим йўлингизда», «Олтин девор», «Алвидо, гур ёшлигим», «Алиф Лайло ёки маккора», «Ким жинни» фильмларида қатнашганимдан бери, халқ киного тақлиф қилишгани йўқ. Мультифильм ва кинодубляжда ҳам ҳозирча жимжитлик.

— Бир пайлар каратэ билан шугулланганингизни биламиз. Тўйларда каратэчи Мирза ўзини ҳимоя қилишига тўри келганми?

— Ёшлиқда ҳар хил шўхликлар бўлади. Тўйларда базан



Шамшиевлар ҳам мен билан бирга хизмат қилишмоқда. Театримиз май ойида Халқлар дўстлиги Маданият саройида «Тўй» деб номланган катта томоша қўрсатди. Шу томошани сценарийсини ҳам ўзим ёздим. Бундан ташқари республика бўйлаб гастролларда бўлди. Янги йилда янги томошалар қўрсатиш ниятидамиз.

— Муштарийлар ҳар бир санъаткорнинг оиласи ва шахсий ҳаёти билан жуда қизиқишади.

— Мен серфарзанд оилада туғилиб (6 та ўғил, 4 та қиз) усанман. Ойсара онам жуда ширинсухан, гапга чечан аёллар. Оилада мен 8-фарзандман. Умр йўлдошим Ферузахон — уй бекаси. Аниқроғи бухгалтерим. Мен топиб келаман, у киши сарфлайдилар.

— Янги ҳажвияларингизни газетонлар билан баҳам қўрсангиз.

— Марҳамат.

ЎЗИМ ТИРИКМАН-КУ

Бир бева аёл маҳаллий ҳокимиятга келиб, йиғлаб шикоят қилибди: «Учта болам бор, эрим улганига беш йил бўлди. Нафақа тулаш идорасига маълумотнома берингла». Ҳокимият вакили сурабди: «Болаларнинг каттаси неча ёшда?». Аёл жавоб берибди: «Каттаси уч, уртанчиси 2, кенжаси бир ёш, худого шўқ». Хайрон бўл-

ган ҳокимият вакили: «Бу қанақаси, эрингиз улганига беш йил бўлса-ю, фарзандларингизни ёши 3 ёш, 2 ёш, 1 ёш?» деса аёл айтганими: «Эрим улган бўлсам, мен тирикман-ку, опоси?».

БЎРИ ВА ЭЧКИ БОЛАЛАРИ

Эчки болалари ва оч бўри тўғрисидаги эртанки эшитган-сиз, албатта. Эчки йўловдан «барра-майса, ут келтирдим, елимни тула сут келтирдим», деса, болалари эчкини очишади. Шўрлик бўри она эчки кетганини қўрқиб, эчки тағига келиб эчки болаларига худди оналаридек: «барра-майса ут келтирдим, елимни тула сут келтирдим», дебди. Эчки болалари «Биз сени сутга эмас, араққа жунатувдик» деб ҳайдаб юборишди.

— Мирза ака, кўнглингизни тўлқинланган қандай ниятларингиз бор?

— Санъаткорларнинг орасида ҳам ҳар хил, яъни тор кутаргани, гул кутаргани ва димоғи кутарилгани бўлади. Мен эса нокамтарликка йўланган, санъатда байроқдор бўлишни хоҳлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

Суҳбатдош Акбар Йўлдошев.

«Обуна—96» АДАШИМИЗ ХУШҲАБАРИ

Наманган вилоят Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги ахли бизга ёзди:

Хўрматли таҳрир! Савимли газетамиз номи билан юртидаликнинг жамоамиз меҳнаткашлари жонажон Ўзбекистонимизнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга улуш қўшиб йўлдан яна бир довонни эгаллашди — давлатга пахта сотиш режаси муддатидан аввал, 6 октябрь кўни шараф билан ушладилар.

Мамлакат хазинасига 2240 тонна юқори сифатли «оқ олтин» етказиб берилди. Ҳосилдорлик қарийб 35 центнерни ташкил этди. Бу муваффақиятга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Биринчи навбатда ўзимизнинг ериқлим шароитларимизга мос келадиган «Наманган—77» нави танилди. Ҳар бир деҳқончилик тадбирини ўз вақтида, пухта ўтказдик. Натيجала мўл ҳамда эртанги ҳосил етиштирилди.

Теримни уюшқоқлик билан ташкил этдик. Эргашали Алманов, Жалолиддин Саримов, Абдусаттор Каримов, Олдижон Бойдалаев, Исҳоқжон Суяркулов етакчилик қилган бригадалардаги кўпмишқиллоғамчиларнинг ҳар бири 4—5 тоннадан пахта териб беришди. Айрим пешакар теримчилар 5 минг сўмдан ошириб иш ҳақи олишди.

Ҳали далаларимизда ҳосил мўл. Ўли ҳосилини 2650 тоннага, ҳосилдорлигини 41 центнерга етказишни мўлжалламоқдамиз. Пахтачилардан 55 миллион, жами 60 миллион сўмга яқин даромад олиниши кўтилмоқда. Бошқа тармоқлар ривожини ҳам кўнглидагидек бормоқда. Кувончи зафарни, қўлга киритишча ешлар фидоилик қўрсатдилар. Улар ағратиларда ва қўлда терган пахталари эвазига олаётган иш ҳақларининг бир қисмига «Туркистон»га обуна бўлишга жазм этдилар.

А. ЖЎЛИБОВЕ,
«Туркистон» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси.
Б. МАМАТКАРИМОВ,
хўжалик ёшлар Иттифоқи бошланғич ташкилоти котиби.




Газетанинг янги сони нашрдан чиқди. Аммо ҳали у республикамизнинг чекка қишлоқларида истикомат қилаётган муштарийлар қўлига етиб бормиганича анча йўл босиб ўтмоғи даркор. Узоқ мазалини яқин қилишда эса энг замонавий транспорт воситалари билан бирга қишлоқлардаги алоқа бўлими ходимларининг хизматлари беқисс каттадир. Уларни қишлоқда почтачи дейишарди.

Алоқачига қўли тушган ҳар бир муштарийнинг юрғи бир орзиқиб кетади. Газетани қўлига олиб, унинг саҳифаларига қўз югуртилар экан, биринчи айтган сўзи раҳмат бўлади. Бу сўзни эшитиш эса, иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демас, ўз вақтида баҳардан алоқачи учун энг катта муқофотдир.

М. АМИН суради.

Янги ном



МЕН СЕВГАН ҚИЗ

Тонглар оппоқ юзларини кунга чайиб, Қўларда оппоқ-оппоқ нур келтирар. Тўшларимда сочларини сиклиб майин, Мен севган қиз ота-этат пахта терар.

Мен севган қиз олисларда қўли кетди, Елти эди, уни бекар олиб кетди, Улан айтиб, паранжига солиб кетди, Мен севган қиз тўшларимда пахта терар.

ТОНГЛАРГА ТЕРМУЛГАН МЕНИНГ ФАРИШТАМ

Шеър — дард-оташ меваси

Фахриддин ТўшДўнинг тўртинчи курс талабаси. Босик, камсукум, мулоҳазали йигит. Ўйлаб, салмоқлаб гапирди. Мактабда яхши ўқиган, оилада тўғри тарбия топган. Файласуфликка меҳр қўйди, сирдан ўқибди кирди. Кўп ўймай ҳарбийга қақриди. Хизматдан сўнг кенгрок ва теранрок билим олиш мақсадида ўқини кундузига айлантирди.

«Ҳайратлангиз — файласуфликнинг бошланғичи» (Аристотель). Айтиш мумкин: шоирлиқнинг ҳам. Фахриддиннинг ҳам.

Қўлаб қўлабда тоқати ютиб, Кеҳр, мен севгидан суғай олмайман, Ҳаво бўлиб қўл билари доғатан, Ҳикронга гарк туларимдан тоналман, Асирман — илоий бир кўч болаган.

Тангри қўлабга тар — ибодили бекам, О. Ботир Эрмада кўл қўлтирар, Тонгларга термулган ноли фариштам, Исми муқаббат менин севгимдир.

Кеҳр, мен севгидан суғай олмайман, Сокта эҳтироси халларни битиб, Уага наволарда кўлай олмайман

...га

Заранг кетмон, Чайир кетмон, Зил кетмон...

Эгилмайд, бўкмайди, синмайд, Ҳаво бўлиб қўл даст қўтариб белдан, Қўрғи урса тарм Сўқимайди.

х х х

Мен кимман, Онамнинг арзандасинми? Ва ёки отамнинг сўнгини токи. Кимнинг қўлида қўлларимдан? Мен — оппоқ тақдирнинг пешона доғи.

Тилимни учиди Тўридан сенинг, Айтақол, Мен кимман, азизим, Ҳаёт.

Фахриддин СОДИК

Ҳақиқат, бу қизиқ! ФАЗОГИР... ИТЛАР

Белка ва Стрелка деган итлар эсингиздами? Ҳали синовда бўлган космик кемада эр атрофини айланиб чиқиб бир зумда бутун дунёга машҳур бўлиб кетишганди. Эхтимолки, суради энг кўп нусхада тарқалган уй ҳайвонлари ҳам шулар бўлса керак.

Кўпчилик бу фазогирларнинг тақдирини нима бўлганлигини билмайди, албатта. Масалан, Стрелка космосдан қайтгандан кейин икки марта, ҳар сафар 6 тадан кучуқча болалаган. Кучуқчалардан бирини уша даврда ҳукумат раҳбари бўлган Никита Хрущёв ҳотамтойлик билан ваъда қилганидек 1961 йил августда АҚШ Президенти Кеннедининг хотинига совға

сифатида жунатган эди. Қолган кучуқчалар Давлат тажриба авиацияси ва фазовий тиббиёт илмий-тадқиқот институти ходимлари ихтиёрига топширилган, ва табиийки, улар ҳам оналари каби фазогирликка тайёргарлик қўрган эдилар.

Умуман, космосга парвоз қилган итлар қисматларидан нолимасалар ҳам бўлади. Яна бир фазогир ит Циганини ўша пайтда геофизик ракеталарни учиртиш бўйича Давлат комиссияси раиси бўлган академик О. Благонравов, «фазогир» Жулькани эса академик О. Газенко ўз қарамоғларига олган эдилар.

Дарвоқе, Жулька ҳақида. Бу ит билан кенг газетонлар оммасига ҳали номаълум бўлган қизиқ воқеа юз берганди. 1960 йил декабрда Жулька Альфа билар биргаликда фазога парвоз қилганди керак эди. Давлат комиссияси аъзоларининг талаби билан Жулька жарангдорроқ исм — «Жемчужна» деб аталди. Бироқ парвоз унгидан келмади. Кема белгиланган йўналишдан четга ога бошлади ва парвоз муддатидан илгари тўхтатилди. Ҳайвонлар эса Шарқий Сибирининг овлоқ бир жойига омон-эсон «қўнишиди». Жулька яна аввалгидек Жулька бўлиб қолди.

Ҳаммаси бўлиб фазога 9 та ит: Лайка, Белка, Стрелка, Гнелка, Мушка, Звездочка, Чернушка, Уголок ва Ветерок парвоз қилган эди.

Муштарий мулоҳазаси

ТАНКИДИЙ РҲҲ КУЧАЙСИН!

Бозор иқтисодиёти шароитида вақти мўлбаёт нашрларининг рақобатта бардош бериши эсон кечмайди. Бунинг учун газета омабоёт, жанговар, халқчил ва ҳаққоний бўлиши лозим. Бундай фазилатлардан айирилмай «Туркистон» бор. Аммо уша чўгларни алангага айлантириш лозим.

Таҳририятга асосий тақлифим битта: газеталар танкидий руҳни қўнатирилсинлар, шунда газетанинг нуфузи ҳам, мавқеи ҳам, муштарийлари сони ҳам ошад!

Ҳабибullo ОҚЎЛТАОВ,
ўқитувчи, Самарқанд вилоят Ишхон туманидаги Тинибек қишлоғи.

ЯХШИ АНЪАНАНГИЗ БОР ЭДИ...

Ҳар бир газетанинг ўз қиёфаси, ўз анъаналари бўлади. Сизларда ҳам яхшигина анъаналар бор эди. Шулардан бири шу эдики, «Туркистон» саҳифаларида дурустгина суд очерклари бериб борила, улар биз ақли ҳодимлариниғизга эмас, бутун жамоатчиликка ҳам катта қизиқиш уйғотарди. Ана шу анъанани тикласангизлар, нур устига ақло нур бўларди!

Музаффар РАУПОВ,
Қашқадарё вилоят Қарши тумани судьяси.

ЭЛНИНГ ДИЛИДАГИ ГАПЛАРНИ...

«Туркистон» саҳифаларида мунтазам равишда ўқиниш истиқомиди. Бунинг кўнла одамларни безовта қилаётган муаммолар, халқимизнинг қайта сайхал топаётган қадриятлари, тўб маънодаги ислохотлар тўғрисида кўпроқ эзин!

Ўсубжон УСМОНОВ,
журналист, Андижон вилоятининг Шаҳрихон шахри.

- Чордоқдаги «ҳазина».
- Кинто ҳам нондаини азиз.
- Савобли ишининг кечи йўқ.

«Китобларни инсонлардан дариг тутган киши очилдилай ўлаётган ғарибу нотовонлардан нонини яшириб ёяётган ҳасисга ўхшайди», — деган экан улуг донишманд. Қобус ибни Вушмағиё: «Ўғлим, жонингни ая, майли, олтинларингни ая, аммо инсонлар қалбини ёритувчи китоб фақат сенингмас, балки одамзод мулки эканлигини унутмай!» — дея хитоб қилган экан.

Қўлимда китоб ҳозир бекитиб шу хизматни ёдимда қолди. Варақлари тилиб-тилиб кетган, ағдор бўлган, муқовасиз китоб... Уни ким, қачон ёзган, елгиз яратганга маълум. Ким билди, узоқ ва яқин ўтмишдан хотира бўлиб қолган бу кўна, ноёб китоб бир вақтлар не-не инсонлар кўнглини мунавар этган, не-не давраларда кўнла-қўлга ўтқанди, балки. Бўғин эса, қўриқ-қўриқларнинг қизиқиб кетди.

Эски қўлёзма ақидаларни қидириб, жуда кўп шахар ва қишлоқларни кезиб чиққан заҳматқаш олимлардан бири менга ноҳус бир воқеани суғайла берди.

Бундан ўттиз йиллар муқаддам институтни тугатиб кетган шоғирларимдан бирини тасодифан бозорда учратиш қолдим. Уша кезлар туркий ва форсий тилларда иқод қилган зулуссоний шоирлар бадий меросини тўлаб, на-шр этириш мақсадида юргандим. Ниятимни эшитиб, шоғирим хурсанд бўлиб ва бу соҳада менга ердан қўлини қўйишга ваъда ҳам берди.

— Қишлоқимизда ақойиб бир инсон ўтганлар. Болалигимизда бизга эски китоблардан қизиқ-қизиқ дoston ва шеърларни, хикमतларни ўқиб берадди. Раҳматли тўқсон ёшларидан оламдан қўз юмди. Невазис билан мактабда бизга ўқиганимиз. Бобомдан бир неча қоп китоб қолган деганини қўз эшитганим. Балки бориб қўриқсиз, рақали китоблариниғизни топиб оларсиз... Вақти келиб, атайлаб, катта умидлар билан шоғиримдан яшайдиган узоқ қишлоққа йўл олдим. Халқимизда китобларда, қўлимга шулардан бошқа ҳеч нарсаси йўқ. Шу боис ҳар қанча илтимос қилмасин, шоғиримнинг китобларини қўйиб қўйиб, уша ақойиб чойга яшай ўтган даргоҳга шошди. Ҳамашайи дарвоза олдида бир оз қўлиб қолди. Ниҳоят, ичкаридан қиқ ешлар чамасиди бир аёл чиқди. Биз билан сурашиб ичкарига тақлиф қилди. Ташрифимиз сабабини билган, Чордоққа ишора қилди:

— Уртонгизга эски ашқол-дашқолларини тепага олиб чиқиб қўйганлар, китоблар ҳам уша ерда бўлса керак. Темир зинадан тепага — чордоққа кутарилиди. Кўнладан буён катпарлар боқилган бўлса керак, чанг бостан, ифлос бўлиб кетган саҳифалар ҳар ер ерда сочилиб ётади. Бир чеккада

70рақ буюрган мавзу

риб бериш учун оламга келадилар. Улар қолдирган мероси, боилини хўрлаш, несту ноуд қилиш улуғ, кейинги авлодларимиз олдидаги ғуҳи эзиларимиздир.

Лоқал муҳтарам Президентимиз Исрол Каримовнинг сузларини эс-лалик-а:

— Ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуриимизнинг мўл бўлганлиги ташкил этади. Бу миллий бойлик бизга ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган. Бинобарин, биз ҳам уни қўз қорачиқдай асраб-авайлашимиз ва фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришимиз керак.

Худди шу мақсадда Фаргона давлат университетининг узоқ адабиёт тарихи кафедрасида савобли бир иш-га қўл урилди: бутун ҳаётини китоб

ХАЗИНАНГИЗНИ ЕРГА КЎММАНГ

андай, «мен тунари қон ютуб битган китобларимни қилларга қолдириб кетдим?» дея таъна билан сураётгандай туюлди ҳақилим.

Буниси ҳам ҳолва экан. Эски китоблардаги ақидалар, тўқилиб, адо бўлган бу қозғолар қилларгадир кераксиз, ҳатто нос ураб сотишга ҳам арзидидаган сарик чақалик нарсаси бўлиб қолди, балки... Аммо қилларнинг боитиш, дилига нур таратиш мумкин бўлган, йиллар давомида қидирган, бирок тополмаган, юрагиди азоба айланиб қолган армонлар эди бу қозғолар.

Оталаримиз бир вақтлар йўлда қозғон курсалар, уни нон қадар азиз билиб, ўлиб, қуларига суртиб, бир чеккага олиб қўйганлар.

Ҳа, инсоният томонидан не-не машаққатлар, зўғат нигиллар билан яратилган китоблар — ҳалқ мулки. Донишмандлар — олим ва шоирлар халқдан олган фикрларни — эини яна шу халққа қайта-

йиғишга бахшида этган муҳтарам олим, филология фанлари номзоди Мухаммадхон Маджидов Шор қўлемаларини тарғибли олиб, қарангки, жуда кўп қолди инсонлар, ҳатто узоқ-узоқ қишлоқлардан уйларидаги ноёб китобларни бизга ҳад этдилар. Биз инқилобга қадар илмининг барча соҳаларида яратилган узоқ, форс араб тилидаги китоблар, жарид ва рўзномаларни ақолидан харид қилиб олиш комиссиясини ташкил этдик. Ҳа миллий қадриятларини, халқини, унинг маънавий бойлигини улуғлаган, азиз билан қишлар бир вақтлар бўлиб, авлодларимиз қолдирган ноёб ҳазинамиз биздан дариг тутмас, деб уйланим. Ахир бу дурдоналар тарғиблиш, қайта нашр этирилиши, халққа қайтарилиши лозим.

Ҳалимжон ЮСУФИЙ,
Фаргона шахри.

